# ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

(Мол-мулкни ижарага бериш бўйича)

№ 01-сон шартнома

*Богдон шахарчаси* « 10 » Январь 2021 йил

**“11-Механизациялашган кўчма калонна” МЧЖ** бундан буён матнда «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» деб аталувчи номидан **жамият раиси** Тўраев Хусан бир томондан ва **«Фориш давлат ўрмон-ов хўжалиги»** бундан буён матнда «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» га деб аталувчи номидан **директори** Қурбанов Маҳмуд иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагича туздик.

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» ўзига тегишли бўлган маъмурий бинодан 102 м2 хажмдаги 5 та хонани вақтинча эгаллаши ва маъмурий идора сифатида фойдаланиш учун “ИЖАРАГА ОЛУВЧИГА” ижарага беради.

1.2. “ИЖАРАГА ОЛУВЧИ” иморатдан фойдаланганлиги учун ушбу шартномада келишилган миқдорда ва муддатларда ижара хақини тўлаб боради.

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. “ИЖАРАГА ОЛУВЧИ” иморатдан фойдаланганлиги учун ойига 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўмдан олдиндан пул ўтказиш йўли билан ижара ҳақи тўлайди.

2.2. «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» ижара ҳақини олгандан кейин коммунал тўловларни, яъни электр-энергия ва табиий газ тўловини таъминотчи корхоналарга олдиндан ўтказиб боради.

## III. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» мазкур иморатни ҳолатини кўрсатган ҳолда топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузиб топширади.

3.2. «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» ижарага бериш шартномаси амал қилиб турган бутун муддат давомида ўз маблаги ҳисобидан ижарага олинган иморатни тегишли ҳолатда сақлаб туриши, хамда зарур бўлганда жорий таъмирлашни шунингдек капитал таъмирлашни амалга ошириши шарт.

3.3. «ИЖАРАГА БЕРУВЧИ» нинг руҳсатисиз иморатни сотиш ёки бошка корхона ва ташкилотларга иккиламчи ижарага беришга ҳақли эмас.

## IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Тарафлар шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мулкий жавобгардирлар.

4.2. Ижарага берилган иморатга «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ» нинг айби билан зарар етказилган тақдирда етказилган зарарни “ИЖАРАГА БЕРУВЧИ” га тўлаши шарт.

4.3. «ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»“ИЖАРАГА БЕРУВЧИ” ижара тўловлари тўлашни бир ойдан ортиқ кечиктирган ҳолларда шартномани бекор қилишни ва бу кечиктириш билан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## V. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

5.1. Шартнома хар икки тарафлар имзолаб мухр билан тасдиқланганларидан кейин кучга киради ва имзоланган кундан бошлаб ижарага олувчининг фойдаланиш давригача амал қилади.

5.2. Шартнома 2 нусҳада тузилган ва иккала нусҳаси ҳам бир хил кучга эга. Тарафларда бир нусҳадан бўлади.

5.3. Шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тарафларнинг ёзма равишда киритилган келишувига асосан амалга оширилади.

## VI. НИЗОНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарифлар ўртасида келиб чиққан келишмовчилик ва низолар ўзаро келушув орқали ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## ТАРИФЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

| «ИЖАРА БЕРУВЧИ» | «ИЖАРА ОЛУВЧИ» |
| --- | --- |
| *“11-МКК” МЧЖ* | Фориш давлат ўрмон-ов хўжалиги |
| *Фориш тумани,Богдон шахарчаси* | х/р: 10002186008235704220314200З |
| Богдон кўчаси 40-уй | Марказий банк Тошкент ш |
| *Х/Р:20208000600395973001* | мфо: 00014 ИНН: 207316022 |
| АТБ “Турон банк” Жиззах филиали | |
| МФО: 00982 ИНН № 200341773 | |
| Раис: Х.Тўраев | Директор: М.Қурбанов |